

Муроқаба ҳақидаги асарлардан намуналар | Тазкия дарслари (298-дарс)



Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф
роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳакида тасаввур»,
«Рухий тарбия» 1-2-3-жузи
ва «Хислатли ҳикматлар шархи» 1-2-3-4-5-жузи
китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун
китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

19:00 / 15.09.2024 1473

- Абдуллоҳ ибн Динор айтади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан бирга Макка томон йўлга чиқдик.
Тун охирида бир жойга етганда тўхтадик. Тоғ томондан бир чўпон тушиб
келди. Умар унга:

«Эй чўпон! Менга қўйларингдан бирини сот», деди.

«Мен қулман», деди у.

«Хўжайнингга «Бўри еб кетди», деб қўявер», деди Умар.

«Аллоҳ қаерда қолади?!» деди у.

Умар йиғлаб юборди. Эрталаб уни топди. Хўжайнидан сотиб олиб, озод
қилди ва:

«Мана шу бир оғиз сўз сени бу дунёда озод қилди. Умид қиласанки, у сени
охиратда ҳам озод қиласади», деди.

- Абдуллоҳ ибн Муборак бир одамга:

«Аллоҳ таолони муроқаба қил», деди.

Ҳалиги одам бунинг тафсирини сўраган эди:

«Доимо худди Аллоҳ таолони кўриб тургандек бўл», деди.

- Суфён Саврий: «Ҳеч бир нарса Ундан махфий бўлмайдиган Зотни муроқаба қил. Вафонинг эгаси бўлган Зотдан ражо қил», деди.

- Абу Усмон айтади: «Менга Абу Ҳафс:

«Агар одамлар билан ўтирсанг, ўзингга ва қалбингга воиз бўл, улар сенинг олдингда жамланганларидан ғууррга кетма. Улар сенинг зоҳирингни муроқаба қиласидилар. Аллоҳ эса ботинингни муроқаба қиласиди», деди».

- Ҳумайд Товийл Сулаймон ибн Алига:

«Менга ваъз қил», деди.

«Агар У Зот сени кўриб турганини билиб туриб, маъсият қилсанг, катта нарсага журъат қилган бўласан. Агар У Зот сени кўрмайди деб ўйласанг, кофир бўласан», деди.

«Рухий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.